

Куч – адолатда

Аدل ила олам юзин обод қил!

2026 йил
10 июль,
жума
№ 26
(1112)

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳуқуқий газетаси

http://www.kuch-adolatda.sud.uz

1998 йил 29 августдан чиқа бошлаган.

ЎЗБЕКИСТОН ВА БЕЛАРУСЬ МУНОСАБАТЛАРИ СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИК ДАРАЖАСИГА КЎТАРИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Беларус Республикаси Президенти Александр Лукашенконинг таклифига биноан 8-9 июль кунлари расмий ташриф билан ушбу мамлакатда бўлди.

9 июль куни Минск шаҳридаги Мустақиллик саройида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевни тантанали кутиб олиш маросими ўтказилди.

Сарой олдидаги майдонда икки давлат байроқлари кўтарилди ва фахрий қоровул саф тортди.

Давлатимиз раҳбарини Беларус Республикаси Президенти Александр Лукашенко самимий кутиб олди.

Давлат маҳфиялари янгради.

Етакчилар фахрий қоровул сафи олдидан ўтиб, расмий делегациялар аъзоларини қутладилар.

Шундан сўнг Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Беларус Республикаси Президенти Александр Лукашенко тор доирада ҳамда расмий делегациялар аъзолари иштирокида музокара ўтказдилар.

Учрашув аввалида давлатимиз раҳбари сўнгги йилларда Ўзбекистон билан Беларус ўртасидаги кўп қиррали муносабатлар сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилганини алоҳида таъкидлади.

Ушбу ташрифта тайёргарлик доирасида Ҳукуматлараро комиссия ва Ишбилармонлар кенгаши йиғилишлари, сиёсий маслаҳатлашувлар, таҳлилий доиралар учрашувлари, Ўзбекистон маданияти кунлари ҳамда бошқа тадбирлар муваффақиятли ўтказилди.

Ўзаро савдо ҳажми барқарор суръатда ўсиб бораётгани мамнуният билан қайд этилди. Сўнгги беш йилда бу кўрсаткич қарийб 3 баробар ошиб, ўтган йил якунига кўра, салкам 1 миллиард долларга етди. Жорий йилнинг ортда қолган даврида унинг ҳажми яна 30 фоизга ошди. 360 та қўшма корхона муваффақиятли фаолият юритмоқда.

Етакчилар куни кеча ўзаро савдо ҳажмини 2 миллиард долларга етказиш бўйича аниқ ҳаракатлар келишиб олингани ҳамда қишлоқ хўжалиги, машинасозлик, фармацевтика, электротехника, енгил саноат, мебелсозлик ва саноатнинг бошқа тармоқларида янги кооперация лойиҳаларидан иборат чора-тадбирлар режаси қабул қилинганини олқишладилар.

Ўзбекистон тинч атомдан фойдаланиш ва шу соҳада инфратузилма ни барпо этиш борасидаги тажрибани алмашишдан манфаатдор экани билдирди.

Фаол маданий-гуманитар алмашинуви изчил давом эттириш муҳимлиги таъкидланди.

Йиғилиш давомида қўшма Ҳукуматлараро комиссия ҳамраисларининг ҳисоботлари ҳамда музокаралар кун тартиби юзасидан аниқ таклифлари ҳам тингланди.

Яқунда Президент Шавкат Мирзиёев ҳамкасби Александр Лукашенкога расмий ташриф билан Ўзбекистонга келишни таклиф этди.

Бўлиб ўтган музокаралар якунида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Беларус Республикаси Президенти Александр Лукашенко Стратегик шериклик муносабатларини ўрнатиш тўғрисидаги декларацияни имзолادилар.

Шунингдек, давлат раҳбарлари хузурида қатор икки томонлама ҳужжатлар алмашилди. Жумладан:

– 2026-2030 йилларда савдо-иқтисодий ва ижтимоий-гуманитар ҳамкорликини ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар режаси;

– Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ва Беларус Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ўртасида 2026-2027 йилларга мўлжалланган маслаҳатлашувлар дастури;

– 2005 йил 19 январдаги “Фуқароларнинг ўзаро қатновлари тўғрисида”ги битимга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида баённома;

– Беларус Республикаси ҳудудидан вақтинчалик меҳнат фаолиятини

амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикаси фуқароларини ташкилий асосда қабул қилиш ва жалб этиш тўғрисида битим;

– Ўрмон хўжалигини ривожлантириш соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида битим;

– 2026-2028 йилларга мўлжалланган маданият соҳасидаги ҳамкорлик дастури;

– Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ва Беларус Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ўртасида 2027-2028 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик бўйича чора-тадбирлар режаси;

– Ўзаро сайёҳлар оқими кўпайтириш ва туризм соҳасидаги ҳамкорликини ривожлантириш бўйича 2026-2027 йилларга мўлжалланган қўшма ҳаракатлар режаси;

– 2026-2028 йилларда агросаноат мажмуидидаги ҳамкорликни янада чуқурлаштириш бўйича “йўл харитаси”;

– Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Енгил саноатни ривожлантириш агентлиги ҳамда Беларуснинг “Беллепром” давлат концерни ўртасида енгил саноат соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида баённома;

– Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ҳамда Беларус Республикаси Меҳнат ва ижтимоий ҳимоя вазирлиги ўртасида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш соҳасидаги ҳамкорлик бўйича ўзаро англашув меморандуми;

– Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳамда Беларус Республикаси Молия вазирлиги ўртасида молиявий масалалар бўйича ўзаро англашув меморандуми;

– Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти ҳамда Беларус стратегик тадқиқотлар институти ўртасида Ўзбекистон – Беларус экспертлар кенгашини таъсис этиш тўғрисида

меморандум;

– Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳамда Беларус Республикаси Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат вазирлиги ўртасида агросаноат соҳасида инвестициявий ҳамкорликини ривожлантириш бўйича ахдлашув меморандуми;

– Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ва Беларус Миллий фанлар академияси ўртасида илмий-техник ҳамкорлик бўйича ўзаро англашув меморандуми.

Шунингдек, ташриф доирасида Ўзбекистон Республикаси Олий таълими, фан ва инновациялар вазирлиги ва Беларус Республикаси Фундаментал тадқиқотлар жамғармаси ўртасида ҳам меморандум имзоланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Беларус Республикаси Президенти Александр Лукашенко музокаралар якунлари тўғрисида оммавий ахборот воситалари вакиллари учун баёнот бердилар.

Давлатимиз раҳбари Александр Лукашенкога самимий қабул ва илиқ меҳмондўстлик учун чин дилдан миннатдорлик билдириб, Беларус халқини яқинда нишонланган Мустақиллик куни билан табриклади.

Ушбу расмий ташриф Ўзбекистон – Беларус муносабатлари ривожидан тарихий воқеа экани мамнуният билан қайд этилди.

Жумладан, Стратегик шериклик муносабатларини ўрнатиш тўғрисидаги декларациянинг имзолангани саммитнинг асосий натижаларидан бири бўлди.

Ўзбекистон етакчиси таъкидлаганидек, мазкур ҳужжат давлатлараро ҳамкорликини мустақамлашда янги саҳифа очиб, томонларнинг кўп қиррали шерикликини узоқ муддатли ривожлантириш борасидаги қатъий интилишини тасдиқлайди.

Музокараларга катта тайёргарлик кўрилгани уларнинг муваффақиятли ўтишида муҳим омил бўлгани қайд этилди.

(Давоми 2-бетда) ►

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн еттинчи ялпи мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

2026 йилнинг 9 июль куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн еттинчи ялпи мажлиси ўз ишини бошлади.

Унда Сенат, ҳукумат аъзолари, вазирлик ва идораларнинг вакиллари, маҳаллий Кенгашларнинг депутатлари, Сенат хузуридаги Ёшлар парламенти аъзолари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди.

Видеоконференцалоқа тарзида ўтказилган ялпи мажлиси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила Норбоева олиб борди.

Ялпи мажлис Сенатнинг YouTube тармоғидаги саҳифаси орқали тўғридан-тўғри ёритиб борилди.

Ўн еттинчи ялпи мажлисининг биринчи иш кунини сенаторлар мамлакатимизда инвестициявий муҳитни янада яхшилаш, халқаро капитални жалб қилиш ҳамда замонавий молия инфратузилмасини шакллантиришга қаратилган “Тошкент халқаро молия маркази тўғрисида”ги Конституциявий қонунни муҳокама

қилишдан бошлади.

Муҳокама жараёнида таъкидланганидек, мазкур Конституциявий қонун Сенатнинг 16-ялпи мажлисида муҳокама қилиниб, такомиллаштириш бўйича таклифлар билан бирга Қонунчилик палатасига юборилган эди. Сенаторлар ва Қонунчилик палатаси депутатларидан иборат келишув комиссияси манфаатдор давлат органлари ва ташкилотлар вакиллари билан бирга қилган ҳолда қонунни қайта ишлаб чиқди.

Конституциявий қонунда Тошкент халқаро молия марказининг алоҳида ҳудуд сифатидаги мақоми, фаолиятининг асосий принциплари белгиланмоқда.

Шу билан бирга, Молия маркази ҳудудида халқаро инвесторлар учун молиявий барқарорлиқни таъминлашга қаратилган нормалар ҳам қонунга киритилмоқда.

(Давоми 3-бетда) ►



Мамлакатимизда тинчлик-осойишталикни таъминлаш, жиноятчиликка қарши курашиш ва унинг олдини олишга масъул тизим — ички ишлар идораларидир. Бинобарин, ҳамюртларимиз орасида мазкур шарфли касбини таллаганлар жуда кўп.

Шундай инсонлардан бири андижонлик Авазбек Абдурахмонов олий маълумотли бўлгач, 2010 йилда ички ишлар идоралари сафига ишга қиради. Сўнгра вилоят ички ишлар бошқармаси тизимида турли лавозимларида фаолият юритди. 2023 йил

февраль ойида эса, Андижон вилояти ИИБ жамоат хавфсизлиги хизмати йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармасининг 2-туманлараро рўйхат-ишга қиради. Сўнгра вилоят ички ишлар бошқармаси тизимида турли лавозимларида фаолият юритди. 2023 йил

(Давоми 2-бетда) ►

Қонунчиликдаги янгиликлар

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлисида депутатлар томонидан одил судловни амалга оширишга, истеъмолчилар ҳуқуқлари ҳимоясини кучайтиришга, сувдан фойдаланиш тартиб-таомилларини рақамлаштиришга, меҳнат соҳасида барча фуқаролар учун тенг имкониятлар яратишга ҳамда халқаро битимларни ратификация қилишга доир бир қатор қонун лойиҳалари қўриб чиқилди.

Парламент фаолияти



Ҳимоячига “ҳимоя фикри”ни тақдим этиш ҳуқуқи берилмоқда

Мажлисида дастлаб “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда қўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, қонун лойиҳаси суд-ҳуқуқ тизимида томонларнинг ўзаро тортишуви ва тенг ҳуқуқлилиги принципини янада кучайти-

риш, адвокатларнинг процессуал имкониятларини кенгайтиришга қаратилган. Мазкур қонун лойиҳаси билан Жиноят-процессуал кодекси ҳамда “Адвокатура тўғрисида”ги қонунга тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш назарда тутилмоқда.

(Давоми 2-бетда) ►

Шарҳ



Болалар ва хотин-қизлар ҳуқуқлари ҳимояси

**бу борада
навбатдаги
муҳим қадам**

Мамлакатимизда хотин-қизлар ва болалар ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини таъйиқ ва зўравонликдан ишончли ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асослари тубдан такомиллаштирилмоқда. Янги таҳрирдаги Конституциямизда белгиланган болалар ва хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини кафолатлаш ва таъминлаш борасидаги аниқ нормалар бу борада асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Бу ҳақда сўз борганда, 2026 йил 3 мартда Президентимиз томонидан «Аёллар ва болалар ҳуқуқларининг ҳимоясини кучайтириш ҳамда уларга нисбатан таъйиқ ва зўравонлик ҳолатларининг олдини олиш бўйича қўшимча ташкилий-ҳуқуқий чоралар тўғрисида»ги Фармон қабул қилинганини алоҳида таъкидлаш лозим. Ушбу ҳужжат негизда аёллар ва болаларга нисбатан таъйиқ ва зўравонлик ҳолатларини барвақт аниқлаш, уларнинг олдини олиш ва жабрланганларга комплекс ёрдам кўрсатиш тизими янада такомиллашти-

рилди. Бугунги кунда зўравонликдан жабрланган шахсларни ҳимоя қилиш механизмлари кучайтирилмоқда. Профилактика ишлари маҳалла даражасида янада тизимли ташкил этилмоқда, психологик, ҳуқуқий ва ижтимоий ёрдам хизматлари кенгайтирилди.

Шунингдек, аёллар ва болалар хавфсизлигини таъминлаш бўйича давлат органлари ҳамкорлиги кучайтирилди.

(Давоми 2-бетда) ►



Қизимга мактублар

(Давоми. Боши ўтган сонларда)

Холам эса, ҳовлининг ўртасидан ўтган ариқ суви-дан фойдаланиб, бўйрадек жойда райхон, аччиқ гармдорининг ўн-ўн беш хилини, ўсма, кундалик овқатга

ишлатиладиган яна қанчадан-қанча кўкат турларини — кўк пиёз дейсизми, укроп, кашнич дейсизми, ўстирадилар. Эрта баҳордан кеч кузгача, бир йиллик гуллар чамандек очилиб ётарди.

(Давоми 4-бетда) ►

Парламент фаолияти

Қонунчиликдаги янгиликлар

◄ (Бошланиши 1-бетда)

Қонун лойиҳасига кўра, жиноят иши судга фақат айблов хулосаси ёки айблов далолатномаси билан эмас, балки ҳимоячининг фикри билан бирга киритилиши назарда тутилмоқда. Шунингдек, ҳимоячига дастлабки тергов ёки суриштирув якунланганидан сўнг беш сутка ичида “ҳимоя фикри”ни тақдим

этиш ҳуқуқи берилиши белгиланмоқда. Ҳимоя фикрида айбловга муносабат, далиллар, жазони енлов гиллаштирувчи ҳолатлар, судга қақрилиши сўралаётган шахслар ва бошқа фикрлар акс эттирилиши мумкин.

Муҳокамалардан сўнг қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қабул қилинди ва Сенатга юборилди.

Чет эл фуқаролари учун махсус солиқ режими жорий қилинади

Депутатлар “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда кўриб чиқдилар.

Қонун лойиҳаси мамлакатимизнинг инвестициявий жозибадорлигини ошириш, хусусан, чет эл фуқароларининг мамлакатимиз иқтисодиётига сармоя киритишини рағбатлантириш, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилишда қулай шарт-шароитлар яратишга қаратилган. Қонун лойиҳасида, шунингдек, мамлакатимизда дуал

таълим тизимини ривожлантиришга қаратилган чоралар ҳам кўзда тутилган.

Қонун лойиҳасига киритилган солиқ маъмуричилигини соддалаштириш, хусусан, чет эл фуқаролари учун махсус солиқ режимининг жорий қилиниши уларнинг Ўзбекистон Республикасидан ташқарида олган даромадларини солиқдан озод қилиш имконини беради. Бу эса, мамлакатимизда хорижий инвесторлар учун янада жозибадор муҳит яратишга хизмат қилади.

Муҳокамалардан сўнг қонун лойиҳаси қабул қилинди ва Сенатга юборилди.

Сув ресурсларини муҳофаза қилиш — устувор масала

Бир гуруҳ депутатлар томонидан қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи асосида ишлаб чиқилган “Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”-ги қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда кўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, қонун лойиҳаси билан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг тегишли моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тақлиф этилмоқда. Жумладан, сувларнинг давлат ҳисобини юритиш, сув ҳўжалиги объектлари ва гидротехника иншоотларидан фойдаланиш қондаларини бузганлик учун жавобгарлик-

ни бевосита масъул шахсларга нисбатан қўллаш механизми ишлаб чиқилмоқда.

Шунингдек, ҳуқуқбузарлик мансабдор шахс томонидан содир этилган ҳолатларда нисбатан қатъийроқ жавобгарлик чораларини белгилаш ҳамда тақдоран содир этилган ҳуқуқбузарликлар учун жарималар миқдорини ошириш тақлиф қилинмоқда. Шу билан бирга оқова сувларни чиқариш тармоқларидан фойдаланиш қондаларини бузганлик учун жавобгарлик чораларини тақомиллаштирилмоқда.

Муҳокамалар якунида қонун лойиҳаси депутатлар томонидан иккинчи ўқишда қабул қилинди.

Лотин ёзувиге асосланган ўзбек алифбоси тақомиллаштирилмоқда

Шунингдек, мажлисда “**Лотин ёзувиге асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида**”ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартиш киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳаси кўриб чиқилди.

Қонун лойиҳаси билан лотин ёзувиге асосланган ўзбек алифбоси 26 та ҳарф ва 3 та ҳарфлар бирикмаси ўрнига 28 та ҳарф ва 1 та тутуқ белгисидан ташкил топиши, шунингдек, айрим ҳарфларнинг қўлланилишига аниқлик киритилиши назарда тутилмоқда.

Муҳокамалар давомида депутатлар томонидан қонун лойиҳасининг амалиётда самарали ва босқичма-босқич жорий этилишини таъминлашга қаратилган қатор тақлифлар билдирилди.

Хусусан, қонун кучга киргунига қадар расмийлаштирилган ҳужжатлар, миллий валюта ва қимматли қоғозларнинг амал қилиши сақлаб қолиниши, шунингдек, дав-

лат органлари ва ташкилотларининг рамзий белгилари, пешлавҳа ва кўрсаткичлари ҳамда бошқа атрибутлардан белгиланган муддатгача фойдаланиш тартиби назарда тутилмоқда.

Бундай ёндашув давлат органлари ва ташкилотларида амалда фойдаланилаётган ҳужжатлар, бланкалар, пешлавҳалар, кўрсаткичлар ва бошқа моддий воситаларни бир вақтнинг ўзида алмаштириш заруратини бартараф этади. Натижада давлат бюджети маблағларининг асоссиз сарфланишининг олди олинад, қўшимча давлат харажатлари юзага келишига йўл қўйилмайди ҳамда алифбодаги ўзгаришларни амалга ошириш давлат органлари ва ташкилотлари учун молиявий жиҳатдан мақбул равишда босқичма-босқич тартибда таъминланади.

Муҳокамалардан сўнг қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қабул қилинди ва Сенатга юборилди.

ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ МАТБУОТ ХИЗМАТИ

ЎЗБЕКИСТОН ВА БЕЛАРУСЬ МУНОСАБАТЛАРИ СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИК ДАРАЖАСИГА КўТАРИЛДИ

◄ (Бошланиши 1-бетда)

Ташриф арафасида Ҳукуматлараро комиссия ва Ишбилармонлар кенгаши йиғилишлари, сиёсий маслаҳатлашувлар, учинчи Ҳудудлараро форуми, Ўзбекистон маданияти кунлари ҳамда таҳлилий доиралар учрашуви бўлиб ўтди.

Давлат раҳбарлари сиёсий мулоқотни янада ривожлантириш ҳамда парламентлараро ҳамкорлики мустаҳкамлаш муҳимлигини таъкидладилар.

Саммит олдидан товар айирбошлаш ҳажмини 2

миллиард долларга етказиш бўйича аниқ чора-тадбирларни ҳамда устувор соҳалардаги янги лойиҳавий ташаббусларни қамраб олган комплекс режа қабул қилинди.

Бунда қишлоқ хўжалиги, машинасозлик, фармацевтика, электротехника, микроэлектроника, тўқимачилик, мебелсозлик ва бошқа тармоқларда кооперацияни ривожлантириш назарда тутилган.

Ўзбекистонда биринчи атом электр станцияси ва турдош инфратузилмани

қуришда Беларусь тажрибасини қўллаш юзасидан келишувга эришилди.

Учинчи Ўзбекистон – Беларусь Ҳудудлараро форумининг якунлари юқори баҳоланди. Форум ишида Ўзбекистоннинг 230 нафарга яқин тадбиркорлари иштирок этди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, МДХ, ШХТ ва Қўшилмаслик ҳаракати каби минтақавий ҳамда халқаро тузилмалар доирасидаги ҳамкорликини янада чуқурлаштиришга интилиш қатъий экани таъкидланди.

Маданият ва санъат, таълим, соғлиқни сақлаш ҳамда туризм соҳаларидаги фаол алмашинувлар давом эттирилади.

Давлатимиз раҳбари Минск шаҳрида Ўзбекистон – Беларусь дўстлиги хиёбонини барпо этиш ташаббуси учун миннатдорлик билдирди.

Жорий йилда навбатдаги тиббиёт, таълим ва туризм форумларини ташкил этишга аҳдлашиб олинди.

Яқунда бугунги тарихий ташриф натижалари стратегик шериклик муносабатла-

рини янада мустаҳкамлашга ҳамда икки мамлакатнинг барқарор ривожланиши ва фаровонлигига ҳар томонлама хизмат қилиши таъкидланди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Беларусь Республикаси Президенти Александр Лукашенко кузатиб қўйди.

ЎЗА



Оқлов

Адолат қарор топди ноҳақликка учраган ходим апелляция судида оқланди

ни айбсиз деб биларди.

Дарҳақиқат, апелляция суди мажлисида А.Абдурахмоновнинг айбсизлиги аён бўлди. Гап шундаки, жиноят ишини тергов қилишда ҳамда биринчи инстанция судида кўришда А.Абдурахмоновнинг ҳатти-ҳаракатлари натижасида жиний ҳодиса юз берган-бермаганлиги синчковлик билан, ҳар томонлама, тўлиқ ва холис текширилмасдан судланувчини ҳам фош қиладиган, ҳам оқлайдиган ҳолатларни аниқлаш чоралари кўрилмаган.

Натижада Жиноят процессуал кодексининг 82-моддасида назарда тутилган, жиноятнинг ҳукм қилиш учун асос бўлиб ҳисобланадиган тўлиқ доираси, тафсилотлари, усули, сабаб ва мақсадлари аниқланмаган.

Бундан ташқари ҳукмда суднинг судланувчига нисбатан хулосасига асос бўлган далиллар ва бошқа далилларни рад этиш сабаблари ёритилмаган. Судланувчининг кўрсатмалари, ҳар бир далилнинг ишга алоқадорлиги мақбуллик ва ишончлилик нуқтаи назаридан баҳоланмаган.

Қолаверса, жиноят иши ҳужжатларида айнан А.Абдурахмонов томонидан ҳайдовчилик гувоҳномаларини сохталаштириш билан боғлиқ жиноят содир этилганлиги ҳақида гувоҳ ёки

бошқа судланувчиларнинг кўрсатмалари мавжуд эмас.

Биринчи инстанция судининг ҳукми учун асос қилиб олинган у билан инспектор М.Олимов ўртасида дастлабки тергов жараёнида ўтказилган юзлаштириш баённомаси апелляция инстанциясида қайта текширилди ва юзлаштириш жараёнидаги кўрсатмаларга асосан номақбул далил деб эътироф этилди.

Жиноят процессуал кодексининг 485-моддасида ҳукмда, ажримда баён қилинган суд хулосалари ишнинг ҳақиқий ҳолатларига мувофиқ эмаслиги апелляция, кассация ва тафтиш тартибида ҳукми, ажримни бекор қилиш ёки ўзгартиришга асос бўлиши кўрсатилган. Ана шу асосларга таянган Андижон вилояти суди жиноят ишлари бўйича Пахтаобод тумани суди ҳукмининг Авазбек Абдурахмоновга оид қисмини бекор қилиб, уни айбсиз деб топди ва оқлади.

Апелляция судида оқланувчига ўзига етказилган мулкый, маънавий ва бошқа зиён оқибатларини Жиноят процессуал кодексининг 304-312-моддалари тартибида бартараф қилиш ҳуқуқи ҳам тушунтирилди.

Хулоса шуки, сўнгги йилларда Президентимиз ташаббуси билан мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар қутилган самараларни бермоқда. Бу муҳим омил, ўз навбатида, “Инсон қадри учун” тамойилининг амалдаги ифодасини таъминлаб, фуқароларнинг одил судловга ишончини янада мустаҳкамламоқда.

Фурқатжон СОБИРОВ,
Андижон вилояти суди судьяси

◄ (Бошланиши 1-бетда)

Маҳалла, ички ишлар органлари, таълим муассасалари ва жамоат ташкилотлари ўртасидаги ҳамкорлик янада мустаҳкамланиб, жамиятда зўравонликка нисбатан муросасиз муносабатни шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Илғор халқаро стандартларда гендер камситиш ва зўравонлик қурбонлари судга мурожаат қилганда, давлат божи ва суд харажатларини олдидан тўлашдан озод этилиши белгиланган. Жумладан, АҚШ ва Европанинг қатор мамлакатлари судларида аёллар гуруҳи ёки нодавлат нотижорат ташкилотлари томонидан бир хил ҳуқуқбузарликлар, масалан, эркаклар ва аёллар ўртасидаги меҳнатга тенг бўлмаган ҳақ тўлаш каби ҳолатлар устидан жамоавий даъво киритиш кенг йўлга қўйилган.

Ўз навбатида, мамлакатимизда 2026 йил 1 июлда “**Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига бола ҳуқуқларининг кафолатларини янада кучайтиришга ҳамда тазйиқ ва зўравонликдан жабрланган хотин-қизларни ҳимоя қилиш тизимини янада тақомиллаштиришга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақи-**

да”ги қонун қабул қилингани алоҳида аҳамиятга эга.

Янги қонун болаларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, зўравонликдан жабрланган хотин-қизларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини

— боланинг энг устун манфаатлари, деб белгиланди.

Бу ўринда боланинг оила ҳамхўрлигида ўсиб-улғайишга, фарвон яшашга, хавфсизликка, соғлиқни сақлашга, билим олишга, тўлақонли ва

Шарҳ

Болалар ва хотин-қизлар ҳуқуқлари ҳимояси

бу борада навбатдаги муҳим қадам

ҳамда қонуний манфаатларини таъминлаш борасидаги изчил ислохотларнинг манتيқий давоми бўлди.

Инсонга бўлган эътибор, биринчи ўринда, болага бўлган эътибордан бошланади. Шу маънода, янги қонун билан “бола манфаатлари” ибораси “боланинг энг устун манфаатлари” деб ўзгартирилди. Яъни боланинг Конституция ва қонунларимизда, шунингдек, Ўзбекистон қўшилган халқаро шартномаларда назарда тутилган манфаатлари

ҳар томонлама камол топишга, шахсий дахлсизликка, шаъни ва қадр-қиммати ҳурмат қилинишига, фикрлаш, сўз, виждон ва эътиқод эркинлигига бўлган ҳуқуқларидан, ижтимоий, ахлоқий манфаатларидан ҳамда ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, бола иштирокида ва унинг фикри инобатга олинган ҳолда белгиланадиган ҳамда ҳимоя қилинадиган манфаатлари ҳақида сўз бормоқда.

Эндиликда болага таъ-

сир кўрсатаётган ҳар қандай масала ҳал қилинаётганида бола ўз фикрини эркин ифода этишга, шунингдек, ҳар қандай суд муҳокамаси ёки маъмурий муҳокама жараёнида сўзлашга ҳақли бўлди.

Бу билан миллий қонунчилигимиз Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциянинг 12-моддасидаги, иштирокчи-давлатлар ўз қарашларини шакллантиришга қодир болага шу қарашларни болага тааллуқли барча масалалар бўйича эркин ифода этиш ҳуқуқини таъминлашлари, зеро, боланинг ёши ва етуқлигига мувофиқ, унинг қарашларига муносиб даражада эътибор берилиши, ушбу мақсадда болага, хусусан, болага таъсир кўрсатадиган ҳар қандай суд ёки маъмурий муҳокамада бевосита ёхуд вакил ёки тегишли орган орқали миллий қонунчиликнинг процессуал нормаларида назарда тутилган тартибда тингланиш имконияти берилиши ҳақидаги нормаларга тўлиқ мослашди.

Шунингдек, янги қонун билан Президент ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш соҳасидаги ваколатлари кенгайтирилди. Жумладан, Агентликка тазйиқ ва зўравонликдан жабр-

ланувчиларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини кўзлаб, судларга давлат божи тўламасдан ариза, шикоят ва даъволар тақдим қилиш, суд мажлисида ўзининг ваколатли вакили орқали иштирок этиш ҳуқуқи берилди.

Маълумки, амалда бўлган нормаларга мувофиқ, тазйиқ ва зўравонликдан жабрланувчи махсус марказга жойлаштирилган тақдирда, унинг иш жойи сақлаб қолинган, бироқ ушбу давр мобайнида уни моддий томонидан муҳофаза қилиш масаласи очиқ қолганди.

Эндиликда эса, тазйиқ ва зўравонликдан жабрланувчининг махсус марказга жойлаштирилганлиги унга ушбу марказга бўлган даври, бироқ бир ойдан ортиқ бўлмаган муддат учун вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик бериш учун асос бўлади.

Мухтасар айтганда, ушбу янги қонун боланинг энг устун манфаатларини тўлақонли таъминлашга ҳамда тазйиқ ва зўравонликдан жабрланган хотин-қизлар ва уларнинг болалари ижтимоий ҳимоя қилинишини янада кучайтиришга хизмат қилади.

Шаҳзод БАХТИЁРОВ,
жиноят ишлари бўйича
Дехқонобод тумани
суди раиси

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн еттинчи ялпи мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

◄ **(Бошланиши 1-бетда)**

Молиявий хизматлар бошқар-маси имониятий хизматлар ва кў-шимча хизматлар кўрсатиш бўйи-ча фаолиятнинг лицензияланиши, тартибга солиниши, назорат қи-линиши ва мажбурлов чоралари қўлланилиши учун масъул этиб белгиланмоқда. Тошкент халқро-қо тижорат суди эса ўз юрисдик-циясига кирувчи назоратни суд тартибида ҳал этиш ва суд маъ-муриятчилиги бўйича мутлақ ва-колатларга эга бўлади.

Сенат аъзолари таъкидлагани-дек, мазкур Конституциявий қонун республикада капитал бо-зорини ривожлантириш, инвести-ция оқимини кенгайтириш учун муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

Шунингдек, Молия маркази иштирокчилари учун яратилаёт-ган имониятларга ҳам алоҳида тўхталиб ўтилди. Жумладан, чет эллик мутахассисларни меҳнат фаолияти ҳуқуқига доир тасдиқ-нома олмадан ишга қабул қилиш ҳамда Молия марказининг шахси ҳисобланган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар кириш визасини беш йилгача бўл-ган муддатга олиши мумкинлиги назарда тутилмоқда.

Сенаторлар ўз чиқишларида таъкидлаганларидек, Тошкент халқро молия маркази халқро микёсда эътироф этилган етак-чи жаҳон молия марказларининг энг яхши амалиётларига мувофиқ ҳуқуқий аниқлик, тартибга солиш-ни олдиндан кўра билиш, суд мус-тақиллиги ҳамда инвесторларни жалб этиш ва ҳимоя қилишни таъ-минлаш мақсадига ташкил этила-ди ва бошқарилади, етакчи молия маркази сифатида Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётининг ўсишга хизмат қилади.

Муҳокама сўнгида сенаторлар қонунни маъқуллади.

Шунингдек, ялпи мажлисда “Рақамли технологиялар халқро маркази тўғрисида”ги Конститу-циявий қонун кўриб чиқилди.

Мазкур қонун мамлакатимизда инвестициявий муҳитни янада ях-шилаш, халқро капитални жалб қилиш ҳамда Ўзбекистоннинг халқро рақамли ҳамжамиятга қўшилши имкониятларини кенгай-тириш бўйича ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

Қонунда Рақамли технология-лар халқро марказининг мақоми ва Марказ ҳудудида амал қилади-ган махсус ҳуқуқий режим белги-ланмоқда.

Шу билан бирга, Марказ ор-ганлари ва иштирокчилари, фа-олиятининг ҳуқуқий асосларини, инвестиция фаолиятини амалга ошириш, “Тартибга солиш кум-дони”ни жорий этиш, давлат хиз-матлари кўрсатиш, меҳнат му-носабатлари, солиқ, божхона ва валюта соҳаларидаги махсус тар-тибларни белгилашга қаратилган нормалар ҳам қонунда ўз аксини топган.

Мажлисда сенаторлар Рақам-ли технологиялар марказида жо-рий қилинаётган махсус ҳуқуқий режим ҳақида ҳам тўхталиб ўтди. Муҳокама давомида қонуннинг айрим нормаларини янада тако-миллаштириш бўйича таклифлар билдирилди.

Хусусан, Марказ Бошқарув кен-гашини ҳамда Марказ маъмурия-тининг иқтисодий ва тартибга солиш чораларини қўллаш соҳа-сидаги ваколатларини қўшимча равишда кенгайтириш, инвестор-лар ҳуқуқлари ва инвестициялар-ни ҳимоя қилиш кафолатларини халқро стандартлар асосида янада кучайтириш лозимлигига эътибор қаратилди.

Сенаторлар фикрича, мазкур таклифларни инобатга олган ҳол-да ушбу Конституциявий қонун устида янада пухта ишлаш ин-весторлар ҳуқуқларининг ишонч-ли ҳимоясини таъминлаш ҳамда Рақамли технологиялар халқро

марказининг рақобатбардошли-гини оширишга хизмат қилади.

Қизгин муҳокама натижасида Конституциявий қонунни такомил-лаштириш бўйича таклифлар би-лан Қонунчилик палатасига юбо-риш, сенаторлар ва Қонунчилик палатаси депутатларидан иборат таркибда келишув комиссиясини тузиш ҳамда манфаатдор дав-лат органлари ва ташкилотлар вакилларини жалб қилган ҳолда қонунни қайта ишлаш мақсадга мувофиқ деган хулосага келинди.

Муҳокама якунида Сенатнинг ушбу Конституциявий қонунни та-комиллаштириш юзасидан қаро-ри қабул қилинди.

Шундан сўнг “Ижтимоий иш тўғрисида”ги қонун муҳокама қи-линди.

Мамлакатимизда аҳолининг ижтимоий ҳимоясини янада куч-айтириш, ушбу соҳани ягона тизимга бирлаштириш борасида амалга оширилган ислохотлар натижасида ижтимоий ёрдам ва хизмат турлари янада кенгайди ҳамда хизмат кўрсатиш сифати яхшиланди.

Қонунга биноан ижтимоий иш тиббиёт, таълим, ижтимоий ҳи-моя, бандлик, суд ва ҳуқуқ-тарти-бот, жазони ижро этиш соҳалари-да ташкил этилади.

Ижтимоий иш соҳасидаги мах-сус ваколатли давлат органи этиб Ижтимоий ҳимоя миллий агентли-ги белгиланмоқда.

Қонунда Вазирлар Маҳкамаси-нинг, республика ижро этувчи ва маҳаллий ижро этувчи ҳокими-ят органларининг ижтимоий иш соҳасидаги ваколатлари белги-ланмоқда ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилот-лари, тадбиркорлик субъектлари ва жисмоний шахсларнинг ижти-моий иш соҳасидаги фаолиятда иштирок этиши мустаҳкамлан-моқда.

Шунингдек, қонунда ижтимоий хизматлар ва ижтимоий ёрдам турлари, ижтимоий хизматлар ва ижтимоий ёрдам кўрсатувчи субъект-лар, ижтимоий ҳимояга муҳтож шахс (оила) деб топиш, ижтимоий хизматлар ва ижтимоий ёрдам кўрсатиш бўйича ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

Шунингдек, қонунда ижтимоий хизматлар ва ижтимоий ёрдам кўрсатиш билан боғ-лиқ фаолиятни молиялаштириш манбалари, ижтимоий ходимнинг мақоми, ижтимоий муҳофазаси, фаолиятига доир чекловлар каби муҳим масалалар ўз аксини топ-ган.

Сенаторларнинг фикрича, қо-нун ижтимоий иш соҳасидаги му-носабатларнинг тартибга соли-нишга, аҳолининг эътиёжманд қатламларига ижтимоий хизмат-лар кўрсатиш тизими яратилиши-га ҳамда уларнинг ижтимоий ҳи-мояси кучайтирилишига хизмат қилади.

Сенаторлар қонунни маъқулла-ди.

Ялпи мажлисда “Болаларни ижтимоий ҳимоя қилиш тизими такомиллаштирилиши муносаба-ти билан Ўзбекистон Республи-касининг айрим қонун ҳужжатла-рига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида”ги қонун ҳам кўриб чиқилди.

Муҳокама жараёнида таъкид-ланганидек, кейинги йилларда мамлакатимизда болаларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қон-ний манфаатларини таъминлаш, уларни ҳар қандай зўравонлик шаклларидан ҳимоя қилиш ҳамда болалар учун хавфсиз таълим муҳитини яратишга қаратилган тизимли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Мазкур қонун билан Маъму-рий жавобгарлик тўғрисидаги ко-дексда таълим ташкилотларида тарбия ва таълим бериш жара-ёнида вояга етмаган болаларга нисбатан жисмоний зўравонлик

содир этганлик, шунингдек, улар-ни таҳқирлаганлик учун маъму-рий жавобгарлик белгиланмоқда.

Бундан ташқари, педагогик фа-олиятни амалга ошириш жараё-нида вояга етмаганларга нисба-тан жисмоний ва (ёки) руҳий зўравонликка оид ҳуқуқбузарлик содир этганлиги учун маъмурий жавобгарликка тортилган шахс-ларга нисбатан бир йил муддат давомида мактабгача таълим ташкилотларида педагогик фао-лият билан шугўлланиш тақиқла-ниши назарда тутилмоқда.

Шунингдек, давлат ёки нодав-лат муассасасининг тўлиқ таъми-нотида бўлган бола учун ота ёки онани айлимент тўлашдан озод қилишга йўл қўйилмаслиги белги-ланмоқда.

Шу билан бирга, етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар оилага тарбияга фақат уларнинг қариндошларига берилиши қондаси жорий этил-моқда.

Сенаторларнинг фикрича, уш-бу қонун болаларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ишонч-ли ҳимоя қилиш, таълим муасса-саларида уларнинг кадр-қимма-ти ва дахлсизлигини таъминлаш бўйича ҳуқуқий кафолатларни мустаҳкамлашга замин яратади.

Муҳокама сўнгида сенаторлар қонунни маъқуллади.

Сенатнинг 17-ялпи мажлисида “Тазйиқ ва зўравонликдан жабр-ланган шахсларга ижтимоий хиз-матлар кўрсатиш тизими янада такомиллаштирилиши муносаба-ти билан Ўзбекистон Республи-касининг айрим қонун ҳужжатла-рига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида”ги қонун муҳо-кама қилинди.

Кейинги йилларда мамлакати-мизда хотин-қизларнинг ҳуқуқла-ри, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишнинг институциявий ҳамда ҳуқуқий асосларни тубдан та-комиллаштириш юзасидан кенг кўламли ишлар амалга оширил-моқда.

Хусусан, Ўзбекистон Респуб-ликаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентли-ги тазйиқ ва зўравонликка учра-ган хотин-қизлар ҳамда болалар билан ишлаш бўйича ваколатли орган этиб белгиланди.

Қонун билан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузу-ридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш соҳасидаги ваколатлари аниқ қилиб белгиланмоқда.

Шунингдек, тазйиқ ва зўравон-ликдан жабрланган хотин-қизлар ҳамда уларнинг вояга етмаган фарзандлари учун қатор енгил-ликлар жорий этилмоқда.

Жумладан, улар йўқотилган биометрик паспорт ўрнига янги паспорт олиш, никоҳ тузилган-лиги ёки туғилганлик ҳақида так-рорий гувоҳнома расмийлашти-ришда давлат божини тўлашдан озод этилмоқда.

Тазйиқ ва зўравонликдан жабр-ланган хотин-қизлар ҳамда улар-нинг вояга етмаган фарзандла-рига давлат ҳисобидан малакали юридик ёрдам кўрсатиш тизими йўлга қўйилмоқда.

Бундан ташқари тазйиқ ва зўравонликдан жабрланувчи мах-сус марказга олти ойгача (олдин 30 кунгача) муддатга жойлашти-рилиши мумкинлиги белгилан-моқда.

Сенаторларнинг фикрича, уш-бу қонун тазйиқ ва зўравонликдан жабрланган хотин-қизларнинг ҳамда уларнинг вояга етмаган фарзандларининг манзилли ва самарали ижтимоий ҳимоясини кучайтиришга ҳамда ижтимоий хизматлар ва ёрдам кўрсатиш ти-зимини такомиллаштиришга хиз-мат қилади.

Сенаторлар қонунни маъқулла-ди.

Шунингдек, “Ўзбекистон Рес-публикасининг айрим қонун ҳуж-жатларига техник жиҳатдан тар-тибга солиш тизимини янада такомиллаштиришга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар кири-тиш тўғрисида”ги қонун ҳам кўриб чиқилди.

Сўнгги йилларда мамлакати-мизда савдо ва саноат соҳасини ривожлантириш, техник жиҳатдан тартибга солиш, мувофиқликни баҳолаш, маҳсулотлар устидан давлат назорати тартиб-таомил-ларини Жаҳон савдо ташкилоти-нинг қоидаларига мувофиқлашти-риш бўйича чора-тадбирлар изчил амалга оширилмоқда.

Мазкур қонун билан амалдаги айрим қонун ҳужжатларига ор-тиқча маъмурий тартиб-таомил-ларни бартараф этишга, миллий сифат инфратузилмасини илғор хорижий тажрибага таянган ҳол-да ва комплекс ёндашув асосида институционал жиҳатдан ривож-лантиришга ҳамда соҳага оид миллий қонунчиликни халқро нормаларга, шу жумладан, Жаҳон савдо ташкилотининг қоидалари ва нормаларига ўйунлаштириш-га қаратилган ўзгартириш ва қў-шимчалар киритилмоқда.

Хусусан, “Метрология тўғри-сида”ги қонунда истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш, аҳоли ҳа-ёти вахавфсизлигини таъминлаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш каби мақсадларда фойдаланила-диган ўлчаш воситалари давлат метрология назорати объекти си-фатида белгиланмоқда.

“Стандартлаштириш тўғри-сида”ги қонунда тадбиркорлик субъектлари томонидан мустақил равишда ишлаб чиқиладиган ва қўлланиладиган "корхона стан-дартлари" институти жорий этил-моқда.

“Техник жиҳатдан тартибга со-лиш тўғрисида”ги қонунда эса техник регламентларда хавфсиз-лик талабларини маҳсулотнинг хавф таҳлилидан келиб чиққан ҳолда белгилаш амалиёти назар-да тутилмоқда.

Шу билан бирга, “Мувофиқ-ликни баҳолаш органларини ак-кредитация қилиш тўғрисида”ги қонунда мувофиқликни баҳолаш органларининг ваколатлилигига оид талаблар ва мезонларни бел-гилашда халқро стандартларга устуворлик берилиши мустаҳкам-ланмоқда.

Сенаторларнинг фикрича, қо-нун миллий сифат инфратузил-масининг бошқарув моделини яратиш, техник жиҳатдан тартиб-га солиш, метрология ва муво-фиқликни баҳолаш соҳаларида манфаатлар тўқнашувининг ол-дини олиш, шунингдек, мазкур соҳаларда қўлланиладиган ай-рим талаблар ҳамда атамалар-ни Жаҳон савдо ташкилотининг қоидалари ва нормаларига муво-фиқлаштиришга хизмат қилади.

Муҳокама якунида сенаторлар қонунни маъқуллади.

Шундан сўнг “Қурилиш соҳаси-да давлат назорати ва бошқару-ви янада такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қў-шимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун муҳокама қилинди.

Кейинги йилларда мамлака-тимизда шаҳарсозлик ва қури-лиш соҳасини ислоҳ қилиш, аҳо-ли учун хавфсиз ва қулай яшаш муҳитини яратиш, қурилиш ишла-рининг сифати ҳамда шаффоф-лигини таъминлаш бўйича кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, қурилиш жара-ёнлари устидан давлат назорати-нинг самарадорлигини ошириш, биноларнинг сейсмик хавфсиз-лигини янада мустаҳкамлаш, шу-нингдек, шаҳарсозлик ҳужжатла-рини такомиллаштириш зарурати юзага келган.

Қонун билан Жиноят кодексига

ва Маъмурий жавобгарлик тўғри-сидаги кодексга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиб, кўп квар-тирали уйларни қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекциялари-нинг рухсатномасиз қуриш учун жавобгарлик кучайтирилмоқда ва шунга кўра, Жиноят-процессуал кодексининг тегишли моддалари мувофиқлаштирилмоқда.

Шунингдек “Лицензиялаш, рух-сат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида”ги қонунга қурилиш-монтаж ишла-рини бошлаш ҳақидаги хабарно-ма юборилиши ўрнига қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш ҳуду-дий инспекцияларидан ушбу ишларни бошлаш учун рухсатно-ма олинишини назарда тутувчи ўзгартиришлар киритилмоқда.

Бундан ташқари Шаҳарсоз-лик кодексига ҳамда “Ўзбекистон Республикаси аҳолиси ва ҳуду-дининг сейсмик хавфсизлигини таъминлаш тўғрисида”ги қонунга ўзгартириш ва қўшимчалар кири-тилиб, Вазирлар Маҳкамаси ҳузу-ридаги Қурилиш ва уй-жой комму-нал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекциясининг сейсмик хавфсизликни таъминлаш соҳа-сидаги ваколатлари аниқлашти-рилмоқда ҳамда шаҳарсозлик ҳужжатлари таркибига мастер-режа ҳам киритилмоқда.

Сенаторлар таъкидлаганидек, мазкур қонун қурилиш соҳасида қонун устуворлигини таъминлаш, давлат назоратининг таъсирчан-лигини ошириш, аҳолининг ҳаёти ва соғлиғи учун хавфсиз муҳит яратиш, шунингдек, шаҳарсозлик фаолиятини замонавий талаблар асосида ташкил этишга хизмат қилади.

Сенаторлар қонунни маъқулла-ди.

Шунингдек, Сенатнинг ялпи мажлисида янги тахрирдаги “Ёнғин хавфсизлиги тизими та-комиллаштирилаётганлиги му-носабати билан Ўзбекистон Рес-спубликасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгар-тишлар киритиш тўғрисида”ги қо-нун кўриб чиқилди.

Сўнгги йилларда мамлакати-мизда ёнғинлар профилактика-си ва давлат назорати тизимини такомиллаштириш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширил-ган бўлса-да, ёнғинлар билан боғлиқ огир оқибатли ҳолатлар ҳамон учраб турибди. Хусусан, 2025 йилда республика бўйича 11 241 та ёнғин содир бўлиб, улар натижасида жисмоний ва юридик шахсларга 249,2 миллиард сўм зарар етказилган. Ёнғинлар оқи-батида 82 нафар фуқаро ҳалок бўлган.

Амалдаги қонунчиликда ёнғин хавфсизлиги соҳасида комплекс ҳуқуқий, ташкилий ва профи-лактик чора-тадбирлар ва меха-низмлар тўлиқ яратилмаганлиги, айрим ҳуқуқбузарликлар учун эса жавобгарликларнинг белгилан-маганлиги ушбу соҳадаги қонун-чиликни тубдан такомиллашти-риш зарурлиги юзага келган.

Шу боис муҳокама қилинган қонун билан ёнғин хавфсизли-ги соҳасида мавжуд ҳуқуқий бўшлиқларни бартараф этишга қаратилган муҳим нормалар жо-рий этилмоқда.

Жумладан, шаҳарсозлик фао-лиятда рухсат бериш тартибига қонунга хилоф равишда аралаш-ганлик учун жиноий ва маъмурий жавобгарлик белгиланмоқда.

Бозорлар, савдо комплекслари ва савдо-кўнгилочар марказлари мулкдорларининг учинчи шахс-лар ҳаёти ва соғлиғига ёнғин натижасида етказилган зарар учун фуқаролик жавобгарлигини ҳамда ушбу объектларни ёнғин-дан мажбурий суғурта қилиш ти-зими жорий этилмоқда.

Қонун билан ёнғин хавфсиз-лигини таъминлашнинг асосий

принциплари, бинолар ва иншо-отларга қўйиладиган минимал техник талаблар, ёнғин аудитини ўтказиш тартиби ҳамда лойиҳа ташкилотлари, кўп квартиралли уйларни бошқариш органлари ва бошқа масъул субъектларнинг ҳуқуқ ҳамда мажбуриятлари аниқ белгилаб берилмоқда.

Сенаторлар таъкидлаганидек, мазкур қонуннинг амалга кири-тилиши ёнғинларнинг олдини олиш самарадорлигини ошириш, давлат ёнғин назорати тизими-ни мустаҳкамлаш, фуқаролар-нинг ҳаёти ва соғлиғини ишончли муҳофаза қилиш ҳамда мол-мулк дахлсизлигини таъминлашга хиз-мат қилади.

Муҳокама якунида сенаторлар қонунни маъқуллади.

Шундан сўнг “Ўзбекистон Республикасининг айрим қо-нун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш, шунинг-дек, айрим қонун ҳужжатлари-ни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида”ги қонун муҳокама қи-линди.

Кейинги йилларда мамлакати-мизда иқтидорли ёшлар ва му-тахассисларнинг хориждаги ну-фузли таълим ташкилотларида, илмий ва бошқа ташкилотларда таълим олишини ташкил этишга катта эътибор қаратилмоқда.

Айни вақтда Ўзбекистон Рес-публикаси Президенти ҳузури-даги Истиқболли кадрларни тай-ёрлаш бўйича “Эл-юрт умиди” жамғармаси томонидан стипен-диатлар учун сарфланган ўқи-тиш харажатларини ундириш механизмларини такомиллашти-риш, шунингдек, вазирликлар ва идораларнинг буйруқлари ҳамда қарорларини ҳуқуқий эксперти-задан ва давлат рўйхатидан ўт-казиш муддатларини қайта кўриб чиқиш зарурати юзага келган.

Қонун билан “Давлат божини тўғрисида”ги қонунга “Эл-юрт умиди” жамғармаси стипенди-атлар учун сарфлаган ўқитиш хара-жатларини ундириш юзасидан судларга киритган даъволари бўйича давлат божини тўлашдан озод қилинишини назарда тутув-чи тузатишлар киритилмоқда. Шунингдек, “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги қонунда вазирликлар ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари-ни ҳуқуқий экспертизадан ҳамда давлат рўйхатидан ўтказиш муд-датлари қисқартirilмоқда.

Бундан ташқари, “Лицензия-лаш, рухсат бериш ва хабар-дор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида”ги қонунга Президент ва Ҳукумат қарорларига биноан олиб чиқиладиган буюмлар ва маҳсулотларни экспорт қилишга доир рухсатнома бериш тартиби бекор қилиниши, шунингдек, қим-матбаҳо металлардан ясалган ярим тайёр заргарлик буюмлари-ни Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудидан ташқарига олиб чиқишда Давлат асиллик даражаси назорати инспекция-сининг хулосаси олминишни бел-гиловчи ўзгартиришлар киритил-моқда.

Сенаторларнинг фикрича, қонун “Эл-юрт умиди” жамғар-маси томонидан сарфланган маблағларни ўз вақтида Дав-лат бюджетига қайтариш ме-ханизмларини кучайтиришга, шунингдек, норма ижодкорлиги фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини янада такомил-лаштиришга, маҳаллий заргарлик буюмларини ишлаб чиқарувчи-ларни қўллаб-қувватлашга хиз-мат қилади.

Сенаторлар қонунни маъқуллади. Шунинг билан Ўзбекистон Рес-публикаси Олий Мажлиси Сена-тининг ўн еттинчи ялпи мажлиси-нинг биринчи иш куни қяунланди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Ахборот хизмати

<u>МУАССИС:</u> Ўзбекистон Республикаси Олий суди	<u>Бош муҳаррир:</u> Шодикул ҲАМРОЕВ	<u>ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ</u> Алишер УСМАНОВ Акрам ШУКУРОВ Шухрат ПОЛВАНОВ Маликаҳон ҚАЛАНДАРОВА Ҳолмўмин ЁДГОРОВ Зарифжон МИРЗАҚУЛОВ	Абдуҳалим ХОЛМАХМАТОВ Жамшид САДИНОВ Муродулло ҚОДИРОВ Замира ЭСАНОВА Азиз АБИДОВ Бобомурод РАЙИМОВ	<u>Саҳифаловчи:</u> Шерзод ХАЙРУЛЛАЕВ
Газета 2007 йил 23 февралда Ўзбекистон Матбут ва ахборот агентлигида 0224-рақам билан рўйхатдан ўтган.		Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида офсет усулида босилди. Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Манзилиноми: 100097, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Чўпонота кўчаси, 6-уй, Тел.: 71 273-72-29 E-mail: kuch-adolatda@mail.ru Нашр индекси: якка тартибда - 574, ташкилотлар учун - 575. Бюуртма: Г-715 Қўғоз бичими: А-2. Ҳажми: 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда. Адади: 3000 1 2 3 4 5 6 Тошпириш вақти: 22⁰⁰. Тошпирилди: 22³⁰.		